

# Жума хутбаси учун баландроқ жой танлаш



05:00 / 11.10.2024 2837

يَلِإِبْطَحِي مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِا يَلِصُّ يَبْنَلَانَاكُ لَأَقُ هُنَعُ هَلَلِا يَضَرَسَنَنْ رِبَاجُ نَعُ  
يَذِمَّرْتَلَا هَاوَرُ . نَكَسَفُ هَمَزْتَلَا فُ هَاتَا يَتَحُ عَزْجَلَا نَح رَبْنَمَلَا كَحَاتَا أَمَلَفُ يَغْجُ  
يِرَاخُ بَلَاوُ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмо дарахти тўнкасида хутба қилар эдилар. У зот минбар тутганларида тўнка йиғлади. У зот келиб, уни тутганларида у йиғидан тўхтади».**

Термизий ва Бухорий ривоят қилишган.

نَاكَفُ يَلْحَنُ نَمِعُ وُدُجُ يَلَعُ أَفُ وُقُوسَمُ دِجُ سَمَلَانَاكُ لَأَقُ هُنَعُ هَلَلِا يَضَرَسَنَنْ رِبَاجُ نَعُ  
رَبْنَمَلَا عُنُصُ أَمَلَفُ ، هَانَمُ يَغْجُ يَلِإِبْطَحِي بَطَحُ إِذَا مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِا يَلِصُّ يَبْنَلَانَاكُ  
يَلِصُّ يَبْنَلَانَاكُ يَتَحُ يِرَاشُ عِلَا تَوْصَاكَ أَتَوْصُ عَزْجَلَا لَكَلِذَلِ أَنْ عَمَسُ هَيْلَعُ نَاكَفُ  
رَعُ عُمُجَلَا مَوِي نَاكَ أَمَلَفُ يَغْجُ هَاوَرُ يَفُ وُ . تَنْكَسَفُ هَيْلَعُ هَدِي غَضُ وُفَ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِا

يُسَيِّئُ اسِنَّ لِّاَوْ رِيْرَ اُخْبَلْ اَوْ رِيْبِصِلْ اَحَايْصُ اُةْلُحْنَلْ اَحَاَصَفْ رِبْنَمْلْ اِلْ اِعْفُرُو  
هِيَ لَعُ هَلْ اِلْ a

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Масжиднинг шифти хурмонинг устунлари устига ёпилган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилганларида ўшалардан бирининг ёнида турар эдилар. У зотга минбар ясаб берилгач, унинг устида эканларида ўша устундан ўн ойлик ҳомиладор туянинг овози каби овоз эшитдик. Ниҳоят, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, қўлларини унинг устига қўйган эдилар, у тинчланди».**

Бошқа бир ривоятда:

**«Жума куни у зот минбарга кўтарилганларида хурмо гўдакдек бўзлаб юборди»,** – дейилган.

Бухорий ва Насоий ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

**«Хурмо урғочи туя зорлангандек зорланди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тушиб, уни ушлаган эдилар, тинди»,** – дейилган».

**«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан**